O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 7



ISSN: 2181 7804




JAHON
CHEMPIONATIDA!
FIFA


UZB UZB
1 0:51 2
O'ZBEK






SANOAT QURILISH BANK

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/7

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

А.У. Рашидов – Формирование оперативно-информационных моделей и логических приёмов в аналитической деятельности квалифицированных шахматистов. 3

Е.К. Близнецова – Научно-практическое обеспечение по совершенствованию самообороны женщин на базе единоборств. 7

Е.П. Скворцова – Воспитание и совершенствование скоростной выносливости у студентов образовательной программы «физическая культура и спорт» на учебных занятиях дисциплины «Полиатлон». 10

С.В. Ботяев – Стимулируемое развитие координационных способностей у студентов бакалавров образовательной программы «Физическая культура и спорт» на занятиях гимнастикой. 13

Р.А. Матчанов – Ички ишлар органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлигини оширишда психологик ёндашув. 16

Ж.С. Сулаймонов – 15-16 ёшли волейболчиларда йиллик тайёргарлик даврида ўтказилган машғулотлар давомида куч ва тезкорлик-куч қобилиятларини ўсиб бориш динамикаси. 19

А.О. Абдалимов – Современные тенденции применения искусственного интеллекта в спорте. 24

М.К. Жуманиязов – Ёш регбичиларни тайёрлашда техник-тактик кўникмаларни шакллантириш. 27

Н.С. Курбанова – Анализ показателей отбора, используемых на этапе начальной подготовки бадминтонистов. 29

И.И. Мирзатиллаев – Енгил атлетика тўгаракларида ўқувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда IAAFнинг мусобақа дастурини қўллаш услубияти. 32

А.З. Ходжаев – Оғир атлетика машқларини техник жиҳатдан ўргатиш услублари. 36

Ф.А. Соловьева – Анализ управления цифровыми технологиями в фитнес индустрии. 39

Х.Х. Қурбонов – Ўрта масофага югурувчилар йиллик тайёргарлигида спорт формасининг шаклланиши ва ўсиш кўрсаткичлари таҳлили. 42

Ж.Р. Муратов., Э.С. Гаипов – Анализ приёмов в партере и стойке на соревнованиях по вольной борьбе среди взрослых. 47

К.Т. Шакиржанова – Научно-теоретические подходы к обеспечению гендерного равенства в сфере физической культуры и спорта. 50

Ш.Х. Ханкельдиев., С.Р. Ураимов – Мониторинг математической компетентности выпускников факультета физического воспитания с углубленным применением факторного анализа. 54

О.Х. Хасанов – 13-18 ёшли футболчиларни мусобақага саралашда психоэмоционал ҳолатнинг ўзига хос қиёсий таҳлили. 56

FAN Sportga

илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 26.07.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/7

Ғ.Т. Исмоилов – Малакали кикбоксчилар машғулот жараёнига қизиқишини шакллантирувчи омиллар. 60

Чжан Цзысюань., В.В. Клинов – Современное состояние и перспективы развития гребли на байдарках и каноэ в Китайской народной Республике. 63

А.А. Абдураззахов – Спорт-соғломлаштириш туризмида талабаларнинг умумий функционал ҳолати ва жисмоний тайёргарлик даражаси таҳлили. 68

Н.Д. Кайназаров – Развитие физической подготовки посредством симуляционных упражнений для лыжных гонщиков в возрасте 13-14 лет. 72

Н.О. Отегенов – Анализ двигательных характеристик тела юных тяжелоатлетов 14-16 лет. 75

А.Е. Шилманов – Ёш футболчиларда координация қобилиятини ривожлантиришда вестибуляр гимнастика воситаларининг ўрни. 78

А.Б. Хасанов – Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касбий билимларини ва амалий кўникмаларини ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари. 82

Б.Ш. Рахматов., Л.Б. Собирова., Ғ.С. Хўжамкелдиев., И.М. Мамбетназаров., А.Р. Оталиева – Ёш каратэчиларни тайёрлаш жараёнида машғулотларни самарали ташкил этиш ва стратегик режалаштириш. 87

А.А. Турсунов – Замонавий волейболда тўпни қабул қилиб зарур зонага етказиш аниқлигининг ўрни ва уни барқарорлаштириш муҳимлиги. 90

Д.А. Омонов – Ёш боксчиларда чап қўл тўғри зарбаси жараёнида тананинг бурчак тезлиги ва зарба кучининг кинематик таҳлили. 93

Ш.У. Набиев – Талаба боксчиларнинг чап қўлда бошга тўғридан зарба бериш жараёнида оёқ ҳаракатларининг кинематик таҳлили. 98

Ҳ.Д. Султонов – Спортчи талабалар (курашчилар)да вазн назорати ва замонавий методик асослари. 101

Ш.С. Тилавов – 14-15 ёшли триатлончиларининг куч-чидамкорлик тайёргарлигини такомиллаштириш. 104

М.Н. Эгамбердиев – Малакали кикбоксчиларда статик ва динамик режимларда мувозанат сақлаш турғунлигининг бир ўқув-машғулот йили давомида ўсиш суръати. 107

Ж.М. Шукурллаев – Мини волейбол спорт турини волейболга интеграциялаш вариативлиги акмеологияси. 111

А.К. Шарипов – Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши талабаларининг педагогик амалиётга касбий-педагогик тайёргарлик даражасини баҳолаш методларини такомиллаштириш. 115

Д.Э. Джурабаева – Профессор-ўқитувчиларнинг рационал турмуш тарзи ва морфо-функционал ҳолатига нисбатини сўровнома натижалари орқали таҳлил қилиш. 119

М.А. Ибрагимов – Спорт курашлари ва таэквондо спорт турларида эшитишида нуқсони бор спортчиларни тайёрлаш методикаларининг қиёсий таҳлили. 122

PSYCHOPHYSIOLOGICAL CHARACTERISTICS OF YOUNG FOOTBALL PLAYERS //Журнал иностранных языков и лингвистики. – 2022. – Т. 6. – №. 6. – С. 105-119.

4. Griban G. et al. Dynamics of psycho-emotional state and individual psychological characteristics of students in the process of physical education classes. – 2019.

5. Hebert, T. Questioning accepted social practice. The case of football in Physical Education. Staps 2018,2, 45–61.

6. Serrano, R.; Pacheco-Lacerda, D.; Cassel, R.; Rodrigues, L.; Ferraz-Soares, P. Systemic analysis of the soccer (football) value chain: Learning from the Brazilian context. Syst. Prac. Action. Res.2018,31, 269–291.

7. Morales, A.; Guzmán, M. Thematic Dictionary of Sports; Arguval: Málaga, Spain, 2000.

8. Djaoui, L.; Chamari, K.; Owen, A.L.; Dellal, A. Maximal sprinting speed of elite soccer players during training and matches. J. Stren. Cond. Res.2017,31, 1509–1517.

9. Davids, K.; Araújo, D.; Schuttleworth, R. Applications of Dynamical systems Theory to Football. In Science and Football V; Reilly, T., Cabri, J., Araújo, D., Eds.; Routledge: London, UK, 2005; pp. 547–560.

10. Radaelli, G.; Dell'Era, C.; Frattini, F.; Messeni-Petruzzelli, A. Entrepreneurship and human capital in professional sport: A longitudinal analysis of the Italian soccer league. Entrep. Theor. Pract.2018,42, 70–93.

11. Scelles, N.; Helleu, B.; Durand, C.; Bonnal, L.; Morrow, S. Explaining the Number of Social Media Fans for North American and European Professional Sports Clubs with Determinants of Their Financial Value. Int. J. Financ. Stud 2017, 5, 25.

12. Dongfeng, L. China: A new super power in football? Rev. Ger. Dep. 2017, 1, 100–112.

13. Hoffmann, S.; Borges, U.; Broeker, L.; Laborde, S.; Liepelt, R.; Lobinger, B.; Löffler, J.; Musculus, L.; Raab, M. The psychophysiology of action: A multidisciplinary endeavor for integrating action and cognition. Front. Psychol. 2018, 9, 1423–1429.

14. Selmi, W.; Rebai, H.; Chtara, M.; Naceur, A.; Sahli, S. Self-confidence and affect responses to short-term sprint interval training. Physiol. Behav. 2018, 188, 42–47.



Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ғ.Т. ИСМОИЛОВ[1]
[1]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

МАЛАКАЛИ КИКБОКСЧИЛАР МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИГА ҚИЗИҚИШИНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Аннотация

В статье анализируюця мотивационные установки кикбоксеров по отношению к спортивным тренировкам и динамические факторы, которые их формируют. Основными определяющими факторами считаюця психическое состояние спорцмена, содержание тренировки, подход к тренерской работе и уровень подготовки к соревновательной деятельности. В исследовании использованы методы оценки уровня интереса с помощью анкетирования и наблюдения. Обоснованы условия, обеспечивающие устойчивость интереса к достижению высоких спортивных результатов.

Ключевые слова: *упражнение, анкета, интересы, психологическая подготовка, травмы, физическое развитие, физическая подготовка, физические качества, подвижные игры, педагогический опыт.*

Annotation

Мазкур мақолада кикбоксчиларнинг спорт машғулотларига бўлган мотивацион муносабатлари ва уларни шакллантирувчи динамик омиллар таҳлил қилинади. Спортчининг руҳий ҳолати, машғулотнинг мазмуни, мураббийлик ёндашуви ва мусобақавий фаолиятга тайёргарлик даражаси асосий аниқловчи фактор сифатида кўриб чиқилади. Тадқиқотда сўровнома ва кузатув методлари орқали қизиқиш даражасини баҳолаш усуллари қўлланилган. Шунингдек, юқори спорт натижаларига эришишда қизиқишнинг барқарорлигини таъминловчи шарт-шароитлар асослаб берилади.

Калит сўзлар: *жисмоний машқлар, анкета сўровнома, қизиқишлар, психологик тайёргарлик, жароҳатлар, жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик, жисмоний сифатлар, ҳаракатли ўйинлар, педагогик тажриба.*

This article analyzes kickboxers' motivational attitudes towards sports training and the dynamic factors that shape them. The athlete's mental state, training content, coaching approach, and level of preparation for competitive activity are considered the main determining factors. The study used methods of assessing the level of interest through questionnaires and observation methods. It also substantiates the conditions that ensure the stability of interest in achieving high sports results.

Key words: *physical exercises, questionnaire, interests, psychological preparation, injuries, physical development, physical training, physical qualities, action games, pedagogical experience.*

Долзарблиги. Ҳар томонлама қобилиятли, етук инсонни тарбиялаш бугунги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб масалалардан биридир. Шунингдек, ҳозирги кунда болалар спортини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга берилаётган эътибор касб эгаларини олдига юқори масъулят ҳиссини юкламоқда. Спорт билан машғулот олиб бораётган спортчиларнинг спортни ташлаб кетиш сабабларини ўрганиб, уларнинг спорт билан шуғулланиш сонининг ҳажмини сақлаш йўлларини ишлаб чиқиш, спорт билан шуғулланувчи ёшлар сонининг кўпайиши учун янги турли методларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади [1; 2; 3].

Кикбоксчиларнинг машғулотни ташлаб кетиш сабабларини ўрганиб, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ўзига хослигини тадқиқ қилиб, маскур тайёргарлик босқичида спорт билан шуғулланучи болаларнинг сонининг ҳажмини сақлаб қолиш йўлларини аниқлаш мақсадида республикамизда фаолият олиб борувчи кикбокс мураббийлари ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди.

Тадқиқот мақсади. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади малакали кикбоксчиларнинг кикбокс спорт турига бўлган қизиқиш даражасини шакллантирувчи ва таъсир этувчи психологик, ижтимоий, педагогик ҳамда жисмоний омилларни аниқлаш, уларнинг машғулотларга бўлган мотивациясига қандай таъсир кўрсатишини баҳолаш.

Тадқиқот вазифалари. Малакали кикбоксчиларнинг спорт машғулотларига бўлган қизиқиш даражасини шакллантирувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш кўзда тутилади. Бунда спортчиларнинг психологик ҳолати, мотивацияси, жисмоний

тайёргарлиги, ижтимоий муҳит, мураббийлик услуби ва спорт муҳитининг таъсири чуқур таҳлил қилинади.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. В.Б.Антипин томонидан ишлаб чиқилган анкета сўровномаси саволларидан фойдаландик. Кикбоксчиларнинг спортни ташлаб кетиш сабаблари юзасидан берган жавобларга кўра 21% мураббийлар уларнинг кикбокс спорт турига бўлган қизиқишнинг йўқлиги (1-жадвал). Юртимизда фаолият олиб бораётган 18% мураббийлар спорт билан шуғулланиш учун оилавий шароитнинг йўқлигини сабаб қилиб кўрсатишган. Спорт билан шуғулланиш учун оилавий шароитнинг йўқлиги деганда ота-оналар фарзанди учун етарли спорт формаларини олиб бера олмаслиги, фарзандларининг машғулотлардан кейин витаминли озиқ-овқатлар билан таминлаб бера олмаслиги ва бошқа сабаблар. Шуни ҳам қўшимча тарзда айтиб ўтиш ҳам керакки, машғулот жараёнларида педагогик кузатишлар олиб бориш жараёнида ҳам мазкур ҳолат ўз тасдиғини топган [4].

Баъзи вақтларда ота-она фарзандининг жароҳат олишдан ҳавотирланиб машғулотларга юбормай қўйиши сабабли кикбокс машғулотларини ташлаб кетаётганлигини 49% мураббийлар қайд этишган. Лекин мазкур саволга нисбатан жавоб субектив бўлган десак хато бўлмайди. Чунки баъзи бир мураббийларнинг эътиборсизлиги туфайли бундай ҳолатлар вужудга келганлиги, ота-оналар ҳам машғулот тўғрисида етарлича маълумотларга эга эмаслиги аниқланган. Мураббияларнинг 36% бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш кикбоксчиларнинг кикбокс мусобақаларидан олдинги психологик тайёргарлигига етарли даражада эътибор қаратишмас экан. Агар спорт билан шуғулланаётган спортчи морфофункционал томондан мусобақаларга тайёр бўлса ҳам, психологик тайёргарлик етарли даражада бўлмаса, спорт туридан кўнгли қолиши, спортни ташлаб кетиши ҳолатларига олиб келади.

Биринчи навбатда, танланган спорт турига нисбатан барқарор қизиқишни шакиллантиришга эътибор қаратиш талаб қилинади. Спортга бўлган қизиқишнинг оширилиши ушбу фаолият тури билан тизмли тарзда шуғулланиш учун муҳум туртки сифатида ҳизмат қилади, шунингдек, бу ҳолат спорт маҳорати ва нитижаларнинг ўсиб боришига олиб келади. Спортчилар спортни ташлаб кетиш сабабларидан бири сифатида машғулотни бошлаган пайтидаёқ кучли жараҳотлар олиши ва машғулотларга узоқ муддат давоимда қатнаша олмаслиги мураббийларнинг 32% томонидан тасдиқланган. Танланган спорт турига нисбатан катта эътиборлиликнинг мавжуд эмаслиги, машғулот жараёнида қўлланилаётган восита ва усулларнинг шуғулланувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмаётганлигида деб ҳисоблаш ўринли.

Машғулотларда оғир (юқори ҳажмли) машқларнинг қўлланилиши 55% мутахассислар томонидан кикбокс тўгаракларини ташлаб кетишга олиб келувчи сабаб сифатида эътироф этилган. Ёш спортчилар тайёргарлигига доир ўз тадқиқот ишларини ўтказган бир қатор олимлар (С.С.Тажибаев, М.А.Қурбонова, 2006; А.М.Симаков, 2010) машғулот жараёнига ҳаракатли ўйинларни 80-86% гача татбиқ этиш самарадорлигини педагогик тажрибаларда асослаб берган.

1-жадвал

Кикбокс тренерлари ўртасида ўтказилган анкета-сўровномаси натижалари (%)

Т/р	Спортчиларнинг кикбокс тўгаракларидан кетиш сабаблари	Жавоблар (%)
1	Кикбокс спорт турига бўлган қизиқишнинг йўқлиги	21
2	Спорт билан шуғулланиш учун оилавий шароитнинг йўқлиги	18
3	Ота-она фарзандининг жароҳат олишдан ҳавотирланиб машғулотларга юбормай қўйиши	49
4	Машғулотни бошлаган пайтидаёқ кучли жараҳотлар	32
5	Оғир машғулотлар (юқори ҳажмли)	55
6	Бир хил машқларнинг такрорланиши	30,5
7	Мураббийнинг етарлича машғулотга қизиқтира олмаслиги	11
8	Мураббийнинг қўпол муносабати	9
9	Машғулот майдонининг айрим ҳудудларда узоқлиги	17
10	Кикбокс спорт тури чека ҳудудларда етарлича ривожланмагани	61
11	Ота-оналарнинг фарзандига вақт ажратмаслиги	33
12	Чекка ҳудудларда малакали мураббийларнинг етишмаслиги	26

Бир хил машқларнинг такрорланиши сабабли болалар машғулотларни ташлаб кетаётганлигини 30,5% мураббийлар кўрсатган натижалар орқали кўришимиз мумкун. Педагогик кузатишлар давомида олинган натижаларга эътибор қаратадигон бўлсак, ҳақиқатдан ҳам машғулотларда бир хил машқларнинг такрорланиши деярли ўзгаришсиз қолмоқда эканлиги, эстафеталар ва ноананавий восита ва усуллар мавжуд эмаслиги аниқланди.

Тренерларнинг етарлича машғулотларга қизиқтира олмаслиги спорт турини ташлаб кетиш ҳолатлари 11% мураббийлар томонидан қайд этилган.

Мураббийнинг қўпол муносабати деб кўрсатилган сабабни асосан чекка ҳудудларда фаолият кўрсатадигон мураббийларнинг билдирган 9% натижаси орқали аниқланди.

Болалар билан ўтказилган индивидуал суҳбатлар пайтида шу нарса аниқландики, болаларнинг кўпчилиги кикбокс машғулотларига, биринчи

навбатда ўзларини ҳимоя қила олиш, шунингдек, тенг қурлари орасида ўзларининг ҳурматини ошириш, ўзини нимага қодирлигини намоён қилиш истаги борлигини кўрсатди. Бундан хулоса қилиш мумкунки, ёш спортчилар кикбокс машғулотларига онгли равишда, ўзларининг ички хоҳиш-истаклари, қизиқишлари асосида келишади.

Шундай экан болалар ва ўсмирлар спортдан (кикбокс) кетишга нима мажбур қилади?

Кикбокс спорт тури билан шуғулланувчи спортчиларнинг спортдан кетиш сабаблари бўйича фикрларни таҳлил қилиш орқали спортчилар орасида тадқиқотлар ўтказилди. Шунингдек, тадқиқотларда кикбокс спорт тури билан шуғулланувчи спортчи машғулотларни ташлаб кетган 40 та кикбоксчи иштирок этди. Сўров иштирокчиларининг даражаси малакали кикбоксчилардан иборат.

Кикбокс машғулотларини тарк этган спортчиларнинг берган жавоблари орқали таҳлил натижалари (2-жадвал) кўрсатишича, спортчиларнинг кўпчилиги ушбу сабабларга кўра спорт машғулотларини ташлаб кетган:

– спорт билан шуғулланиш қизиқишининг мавжуд эмаслиги;

– эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги;

– бир хилдаги машғулотлар билан шуғулланишга қизиқиш мавжуд эмаслиги.

2-жадвал

Кикбокс тўгаракларини ташлаб кетган спортчилар ўртасида амалга оширилган сўров натижалари

Т/р, №	Кикбокс тўгаракларидан кетиш сабаблари	Жавоблар (%)
1	Яқин дўстларининг кикбокс спорти билан шуғулланмаслиги	36
2	Маълум давр мобайнида мусобақаларда ўрин ололмаслик	41
3	Болаларнинг машғулотлардан қониқмаслиги	59
4	Машғулотларга нисбатан қизиқишнинг йўқлиги	13
5	Кикбокс спорт турида қобилиятнинг йўқлиги	17
6	Маълум муддатдан кейин спортчиларнинг бошқа спорт турини ёқтиришини тушуниб етиши	29
7	Гуруҳдаги болалар билан чиқиша олмаслик	65
8	Машғулотлардан кейин тури хил қизиқарли ҳаракатли ўйинларнинг йўқлиги	55
9	Узоқ давом этадигон машғулот (белгиланган вақтдан ортиқ)	38
10	Яқинларининг кикбокс спортига салбий муносабатда бўлиши	16
11	Мураббий билан чиқиша олмаслик	12
12	Машғулот учун белгиланган вақтда мобойнида нафас ростлашларнинг камлиги	27

Анкета-сўровномаси асосида олинган баъзи маълумотлар мураббийларнинг билдирган фикрларга мос келмайди. Жумладан, спортдан кетиш сабабларини изоҳлашда мураббийлар ва спортчиларнинг ўртасидаги фикрларида аниқ кўринадигон фарқланишлар, дастлаб, мураббийларнинг спортчиларни машғулотларга бўлган қизиқишини яхши баҳолай олмаслиги, ўйин шаклидаги машғулотларнинг камлиги, мусобақада иштирок этиш учун тайёргарликнинг эътибордан четда қолдирилиши билан боғлиқ муаммолар ҳисобланади. Шуниндек, мураббийларнинг кўпчилиги спортчиларнинг мусобақалардан олдин ринга чиқишга қўрқиши, уларда ушбу спорт билан шуғулланиш қобилиятининг мавжуд эмаслиги, узоқ давом этадигон машғулот (белгиланган вақтдан ортиқ) ҳолатларини эътироф этади. Балки, бу ҳолат болаларни дастлабки тайёргарлик босқичида ажратиб олишга таъсир кўрсатувчи асосий динамик омиллардан бири бўлиши мумкин.

Кикбокс машғулотларини тарк этиб кетувчи спортчилар орасида амалга оширилган сўровлар натижаларининг қайд этилишича, кикбокс каби мураккаб спорт турида мослашиш даврида спортчиларнинг қизиқиши, жумладан, спортчиларнинг келгусида узоқ вақт мобойнида ушбу спорт йўналишида машғулот олиб бориш имконини берувчи, машғулотлар давомида юзага келувчи эҳтиёжлари ҳисобга олинмайди [5].

Тадқиқодлар таҳлили орқали ушбу хулосага келиш мумкунки; спорт билан шуғулланувчи спортчиларнинг сонини ошириш мақсадида мураббийлар назорати остида машғулот олиб борувчилардаги қизиқишнинг шакиллантирилишига алоҳида эътибор қаратишлари, уларнинг асосий эҳтиёжлари таъминланишини ҳисобга олиш талаб қилинади.

Кикбоксчиларнинг спорт машғулотларини ташлаб кетишларининг олдини олишда қуйидагиларга асосий эътиборни қаратиш лозим:

– қизиқарли бўлмаган, бир хилдаги машғулотлар сонини камайтириш ва машғулотлар жараёнига янги методларни татбиқ этиш;

– спортчиларнинг танланган ушбу спорт турига нисбатан вақтинчалик қизиқишларининг мавжуд эканлигини ҳал этиш йўлларини аниқлаш;

– машғулотлар жараёнига шуғулланувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда янги методларни излаб топиш;

– ўқув-машғулот жараёнида спортчиларга иродавийликни, қийинчиликни қандай енгиб ўтишни, юқори марраларга қандай эришиш кераклигини сингдириш;

– ўсиб келаётган ёш спортчиларни тайёрлаш бўйича мутахассисларининг фикрларига эътибор қаратадигон бўлсак, дастлабки тайёргарлик босқичидаги спортчиларнинг психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўйин тарзида ўтказиладигон машғулотларга эътибор қаратиш;

– яқин иснонларининг спорт турига бўлган

қарашларини мақсадга мувофиқ ўзгартириш мақсадида мураббийлар томонидан машғулот ва мусобақаларга спортчиларнинг жисмоний ва ақлий, техник-тактик, психологик тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш.

Хулоса. Танланган спорт турига нисбатан доимий қизиқишни шакиллантиришга эътибор қаратиш талаб қилинади. Ушбу спортга бўлган қизиқиш фаолият тури билан узлюксиз равишда машғулот олиб бориш учун муҳум туртки бўлиб ҳизмат қилади, шунингдек, ушбу ҳолат спорт натижаларнинг ривожланиб боришига олиб келади. Мақолада кикбоксчиларнинг кикбокс спорт тури машғулотларига бўлган қизиқишларини белгилаб берувчи динамик омиллар ўрганилган. Кикбоксчиларнинг кикбокс спорт тури машғулотларига бўлган қизиқишларини белгилаб берувчи динамик омилларни чуқур таҳлил қилиш натижасида аниқланишича, спортчиларнинг машғулотларга бўлган муносабати, мотивацияси ва фаол иштироки кўплаб ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланади. Айниқса, Спортчиларнинг қизиқишини шакллантириш ва уни барқарор сақлаш мураббийлар, ота-оналар ҳамда спорт муассасаларининг мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, спортчиларнинг машғулотларга бўлган қизиқишини йўқотишига сабаб бўлаётган асосий омиллар қаторига бир хил ва зерикарли машғулотлар, мураббийларнинг етарли рағбатлантира олмаслиги, психологик тайёргарликнинг сустлиги, оилавий шароитларнинг ноқулайлиги ҳамда спортчининг ўз эҳтиёжларининг инобатга олинмаслиги киради. Шунингдек, спортчиларнинг дўстлари ёки гуруҳдаги муҳит билан чиқиша олмаслиги, мусобақаларда муваффақияцизликка учраши ҳам мотивацияни пасайтирувчи муҳим омиллардандир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сонли “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сон Қонун.
4. Евгений Г.В., Вадим К.Н. Программа по кикбоксингу (сейми – контак, лайт – контак, фулл – контак, фулл – контак лоу кик, киктайбоксинг К1), 2009 – 89 е.: Уляновск. П.ф.д.(ДСс), бокса и кикбоксинга РГУФК.
5. Щитов В.С. Современний кикбоксинг ФАИР-ПРЕСС, 2004. – 544 е.: ил. – (Спорт).

Аспирант
ЧЖАН ЦЗЫСЮАНЬ[1]
Кандидат педагогических наук, доцент
В.В. КЛИНОВ[1]
[1]Белорусский государственный университет физической культуры,
город Минск, Беларусь

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ГРЕБЛИ НА БАЙДАРКАХ И КАНОЭ В КИТАЙСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКЕ

Аннотация

В статье представлен комплексный научный анализ современного состояния, системных проблем и перспектив развития гребли на байдарках и каноэ в Китайской Народной Республике. Исследование включает обзор ключевых этапов эволюции дисциплины в стране (1975 – настоящее время), детальную оценку текущей инфраструктуры, системы подготовки спортсменов и достижений на международной арене. Особое внимание уделено выявлению и систематизации актуальных проблем. На основе проведенного анализа сформулирован комплекс научно обоснованных стратегических направлений и практических рекомендаций.

***Ключевые слова**: гребля на байдарках и каноэ; Китай; спортивная подготовка; спортивная инфраструктура; спортивные результаты; анализ проблем; стратегия развития.*

Annotation

Ушбу мақолада Хитой Халқ Республикасида байдарка ва каноэда эшкак эшишнинг ҳозирги ҳолати, тизимли муаммолари ва ривожланиш истиқболлари ҳар томонлама илмий таҳлил қилинган. Тадқиқот мазкур спорт турининг мамлакатдаги асосий ривожланиш босқичларини (1975 йилдан бугунга қадар) ўрганиш, мавжуд инфратузилмани, спортчиларни тайёрлаш тизимини ва халқаро майдондаги ютуқларни батафсил баҳолашни ўз ичига олади. Долзарб муаммоларни аниқлаш ва тизимлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Ўтказилган таҳлиллар асосида илмий жиҳатдан асосланган стратегик йўналишлар ва амалий тавсиялар мажмуаси ишлаб чиқилган.

***Калит сўзлар**: байдарка ва каноэда эшкак эшиш; Хитой; спорт тайёргарлиги; спорт инфратузилмаси; спорт натижалари; муаммолар таҳлили; ривожланиш стратегияси.*

The article presents a comprehensive scientific analysis of the current state, systemic problems and prospects for the development of canoeing in the People's Republic of China. The study includes a review of the key stages of the discipline evolution in the country (1975 - present), a detailed assessment of the current infrastructure, athlete training system and achievements in the international arena. Special attention is paid to the identification and systematisation of current problems. On the basis of the analysis a set of scientifically substantiated strategic directions and practical recommendations is formulated.

***Key words**: canoeing; China; sports training; sports infrastructure; sports results; problem analysis; development strategy.*

Введение. Гребля на байдарках и каноэ – один из динамично развивающихся водных видов спорта. В последние годы наблюдается рост научных исследований, направленных на оптимизацию тренировочного процесса, совершенствования техники и физической подготовки [6].











